

**“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC
INNOVATIVE RESEARCH”**
Volume 9. September 2024

**ИСТАНБУЛ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ ТАВСИЯЛАРИ ДОИРАСИДА
КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН
ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ МУДДАТИНИНГ САМАРАЛИ
ТАЪМИНЛАШ ЖИХАТЛАРИ**

Абдурахмонов Бахтиёржон Илхомович,
Мажбурий ижро бюроси Тошкент вилояти бошқармаси катта инспектори,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети мустақил изланувчиси
E.mail: mr_bakhty@inbox.ru

АННОТАЦИЯ: Мақолада Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш тармоғи Истанбул ҳаракатлар режаси тавсиялари доирасида ташаббусга аъзо мамлакатлар ва бошқа хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигидаги жавобгарлиикка тортиш муддатларини таҳлили ҳамда Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиикка тортиш муддатининг самарали таъминлаш жиҳатлари баён қилинган.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: жавобгарлиикка тортиш муддати, коррупция, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, иммунитет, мониторинг тавсиялари, жиноий жавобгарлик.

Жавобгарлиикка тортиш муддати жиноят содир этганлик учун шахснинг жавобгар бўлиши мумкин бўлган вақтни назарда тутади. Ушбу муддатнинг тугаши жалб қилинган шахсни жавобгарликдан озод қилиш учун асос ҳисобланади. Агар бу муддат жуда қисқа бўлса ёки муайян шароитларда тўхтатилмаса ёки тўхтатиб қўйилмаса, бу коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни самарали жавобгарлиикка тортишда тўсқинлик қилиши мумкин.

БМТнинг Коррупция қарши Конвенциясининг 29-моддасига мувофиқ [1.] ҳар бир иштирокчи Давлат, коррупцияга оид жиноятларга нисбатан иш кўзғатилиши учун узоқ муддатли жавобгарлиикка тортиш муддатини белгилаши ва жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс одил судловдан бўйин товлаётган ҳолларда даъво учун янада узоқ муддатни ёки жавобгарлиикка тортиш муддатини давом этишини тўхтатиш имкониятини белгилаши қайд этилган.

ИХТТнинг Хорижий мансабдор шахсларнинг порахўрлигига қарши курашиш тўғрисидаги Конвенциясининг 6-моддасига мувофиқ, чет эл мансабдор

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Volume 9. September 2024

шахсининг порахўрлигига оид жавобгарликка тортиш муддати ушбу ҳаракатни тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Истамбул ҳаракатлар режасига аъзо мамлакатларда жавобгарликка тортиш муддати жиноятнинг оғирлигига боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида амалдаги санкция (унинг тури ва миқдори/давомийлиги) билан белгиланади. [2. 314-Б] (*Қўйидаги жадвалга қаранг*)

Истамбул ҳаракатлар режасига аъзо мамлакатларда коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарликка тортиш муддатлари

	Армани стон	Озарбай жон	Грузия	Қозоғис тон	Қирғизи стон	Мўғулис тон	Тожикис тон	Украи на	Ўзбекис тон
Актив порахўрлик (асосий таркиб)	5	7	15	10	3	5	6	5	4
Актив порахўрлик (малакаланган таркиблар)	10	12	15	10-15	3-7	20	10	10	8-14
Пассив порахўрлик (асосий таркиб)	5	12	15	10	3	5	6	5	4
Пассив порахўрлик (малакаланган таркиблар)	10-15	12	25	10-15	7	20	6-10	10-15	8-14
Актив мавқени сунистеъмол қилиш (асосий таркиб)	5	7	15	қўллани лмайди	қўллани лмайди	қўллани лмайди	қўллани лмайди	3	Қўллани лмайди
Пассив мавқени сунистеъмол қилиш (асосий таркиб)	10	7	15	қўллани лмайди	қўллани лмайди	қўллани лмайди	қўллани лмайди	5	Қўллани лмайди
Хусусий секторда актив порахўрлик (асосий таркиб)	5	7	6	5	3	5	2	3	2
Хусусий секторда пассив порахўрлик (асосий таркиб)	5	12	6	5	3	5	6	5	2
Пул ювиш (асосий таркиб)	5	7	10	5	3	5	6	10	8
Пул ювиш (оғирлаштирувчи ҳолатлар)	10-15	12	10-15	5-10	7	20-30	10	15	Қўллани лмайди
Ваколатни сунистеъмол қилиш (асосий таркиб)	5	7	15	10	3	1	2	5	2
Ваколатни сунистеъмол қилиш (малакаланган таркиблар)	10	12	15	10-15	3-7	5	6-10	10	4
Талон-тарож қилиш (асосий таркиб)	5	2	6	5	3	1	2	5	2

Рақамлар жавобгарликка тортиш муддати йилларини англатади. Йиллар оралиғида эса турли оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиш муддати кўрсатилган.

Қўлланилмайди – жавобгарликка тортиш муддати қўлланилмаслигини англатади.

Истамбул ҳаракатлар режаси мониторинги давомида 2 йил ёки ундан кам бўлган жавобгарликка тортиш муддати етарли эмаслиги, бундан ташқари, ГРЕКОнинг Франция, Венгрия, Латвия, Монако ва Россияга оид ҳисоботларида

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Volume 9. September 2024

ҳамда ИХТТнинг порахўрликка қарши ишчи гурухининг Франция, Япония ва Испания бўйича берган ҳисоботларида З йил ёки ундан кам бўлган жавобгарликка тортиш муддати ҳам етарли эмаслиги эътироф этилган. Шунингдек, 5 йил ёки ундан кўпроқ жавобгарликка тортиш муддати коррупциявий хукуқбузарликларни тергов ва таъқиб қилиш учун етарли вақтни таъминлаши билдирилган. [2. 314,315-Б]

Грузияда коррупцияга оид хукуқбузарликларга алоҳида ёндашув кўлланилади, бу ерда санкциялардан қатъий назар, порахўрлик ва бошқа бир қатор коррупцияга оид хукуқбузарликлар учун жавобгарликка тортиш муддати 15 йилни ташкил этади. (*Оғир жиноятлар бундан мустасно, масалан, максимал санкция 10 йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиши билан бөглиқ бўлса, бу ҳолда жавобгарликка тортиши муддати 25 йилни ташкил этади.*)

Жавобгарликка тортиш муддатининг етарли эмаслиги ҳам мамлакатлар ўртасида ўзаро хукуқий ёрдамни самарали таъминлашга тўсқинлик қилиши мумкин. Бу ерда қилмишни жиноят деб тан олиш талаби мавжуд бўлиб, агар талаб қилинаётган мамлакат қонунчилигига биноан жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати тугаган бўлса, ўзаро хукуқий ёрдам сўрови бажарилмаслигига сабаб бўлади.

Жавобгарликка тортиш муддати самарали тергов ва жиноий таъқиб қилиш учун тўсиқ бўлмаслигини таъминлаш мақсадида айrim мамлакатлар жиноят қонунчилигига турли хил қоидаларни кўллайди. Масалан, Хорватия, Чехия, Финляндия, Латвия, Голландия, Польша, Словакия ва бошқа бир қатор мамлакатларда жиноий таъқиб қилишни бошлиш учун олиб борилаётган процессуал ҳаракатлар учун жавобгарликка тортиш муддати тўхтатилади ҳамда жавобгарликка тортиш муддати маълум бир ҳодисадан кейин янгидан давом этишни бошлайди. [2. 316-Б]

Германияда жавобгарликка тортиш муддати қуйидаги фактлар билан тўхтатилади: айланувчини биринчи сўроқ қилиш, унга қарши тергов бошланганлиги тўғрисида хабар бериш, тинтув ва олиб қўйиш тўғрисидаги суднинг ордери, ҳибсга олиш тўғрисидаги ордер, расмий айлов, суд муҳокамасининг бошланиши, чет элда тергов ҳаракатини ўтказиш учун суд сўрови ва ҳоказолар. [3.] Бироқ, порахўрлик ишлари бўйича 10 йилни ташкил этадиган якуний муддат тугагандан сўнг, жиноий таъқиб қилиш мумкин эмас.

Арманистон, Тожикистон, Украина ва Ўзбекистонда агар жиноят содир этишда иштирок этиши мумкин бўлган шахс иммунитетга эга бўлса, жавобгарликка тортиш муддати тўхтатилмайди. Озарбайжон Жиноят процессуал

“CONFERENCE OF NATURAL AND APPLIED SCIENCES IN SCIENTIFIC INNOVATIVE RESEARCH”

Volume 9. September 2024

кодекси 53-моддасида иммунитетни бекор қилиш тартиби бошланган ҳолларда жавобгарликка тортиш муддати тўхтатиб турилиши назарда тутилган. Ҳудди шундай, Грузияда ҳам (Жиноят кодексининг 71-моддаси) жавобгарликка тортиш муддати шахс иммунитетдан фойдалангунига қадар тўхтатиб турилади. [2. 315-Б]

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 64-моддасига мувофиқ агар жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахс тергов ёки суддан яширинса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Шунингдек, агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасдан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади деб белгиланган. [4.]

Ўзбекистон жиноят қонунчилигига жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган қунгача ҳисобланиши муаммолигича қолмоқда. Бу айниқса, жиноят содир этган бир нечта шахсларни жиноий жавобгарликдан қочиш учун жавобгарликка тортиш муддати тугагунга қадар жиноят процессини кечиктиришида имконият яратиб бериши мумкин.

Истамбул ҳаракатлар режаси 3-раунди мониторингининг Ўзбекистонга оид якуний ҳисботларида жавобгарликнинг амал қилиш муддати сифатида 2 йил муддат етарли эмаслиги, коррупциявий жиноятларни тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли вақтни таъминлаш мақсадида жавобгарликка тортиш муддати камида 5 йил бўлиши (алоҳида ҳолларда ушбу муддатни тўхтатиб туриш имкониятини таъминлаш) таъкидланган ва жавобгарликка тортиш муддатини кўпайтириш ёки муайян ҳаракатлар билан жавобгарликка тортиш муддатини тўхтатиб туриш юзасидан янги тавсия берилган. [5. 249-250 Б]

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси ва ҳорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганган ҳолда миллий қонунчилигимизга коррупциявий жиноятларни тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли вақтни таъминлаш мақсадида жавобгарликка тортиш муддатини кўпайтириш ёки алоҳида ҳолларда жавобгарликка тортиш муддатини тўхтатиб туришни жорий этиш лозим. Бу ўз навбатида коррупцияга қарши курашишга қаратилган ҳаракатларнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси. (Электрон манба) <https://lex.uz/docs/1461327>
2. “Антикоррупционные реформы в Восточной Европе и Центральной Азии - Прогресс и вызовы, 2016-2019.” (электрон манба) <https://www.oecd.org/corruption/anti-bribery/OECD-Anti-Corruption-Reforms-Eastern-Europe-Central-Asia-2016-2019-RUS.pdf>.
3. Уголовное Уложение Федеративной Республики Германия. § 78с. - с 179 / П.В.Головненков. Научно-практический комментарий и перевод текста закона. / Universitätsverlag Potsdam 2021. (Электрон манба) https://www.uni-potsdam.de/fileadmin/projects/ls-hellmann/Forschungsstelle_Russisches_Recht/Neuaufage_der_kommentierten_StGB-%C3%9Cbersetzung_von_Pavel_Golovnenkov.pdf
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (Электрон манба) <https://lex.uz/docs/111453>
5. ИХТТ Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракатлар режаси Мониторингининг Ўзбекистон бўйича 4-раунд ҳисоботи (электрон манба) https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf.

**Research Science and
Innovation House**